

Қачон бобо учун муқосама афзал бўлади?



14:07 / 21.03.2025 976

Муқосама бобо учун беш ўринда афзал бўлади:

- 1) Бобо билан туғишган сингил бўлса;
- 2) Бобо билан иккита туғишган опа-сингил бўлса;
- 3) Бобо билан учта туғишган опа-сингил бўлса;
- 4) Бобо билан туғишган ака бўлса;
- 5) Бобо билан битта туғишган ака ва битта туғишган сингил бўлса.

Биринчи кўринишда бобо молнинг $\frac{2}{3}$ қисмини олади.

Иккинчи кўринишда бобо молнинг $\frac{1}{2}$ қисмини олади.

Учинчи кўринишда бобо молнинг $\frac{2}{5}$ қисмини олади.

Тўртинчи кўринишда бобо молнинг $\frac{1}{2}$ қисмини олади.

Бешинчи кўринишда бобо молнинг $\frac{2}{5}$ қисмини олади.

Ушбу кўринишларнинг барчасида бобо учун молнинг учдан бирини олишдан кўра муқосама афзалдир.

Қачон муқосама билан учдан бир тенг бўлади?

Қуйидаги уч кўринишда муқосама билан ҳамма молнинг учдан бирини олиш тенг бўлади:

1. Бобо икки туғишган ака-ука билан бўлса;
2. Бобо тўртта туғишган опа-сингил билан бўлса;
3. Бобо битта туғишган ака ёки ука ва иккита туғишган опа-сингил билан бўлса.

Мазкур уч суратда ҳам бобога тариканинг учдан бири муқосама билан тегади ва бу ҳамма молнинг учдан бирига тенгдир. Демак, бунда муқосама ва учдан бир улуш бир хил бўлиб, иккиси тенг бўлиб қолди, деймиз ва бобо шу иккисидан бирини олади.

«Ислom шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли рухсати асосида чоп этилган.